

Турли рангбаранглик ва йирикликдаги қорақўл қўзиларида рангнинг ўтиш кескинлиги

М.В.Ақбарова—таянч докторант

Б.С.Маматов—к.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

А.С.Абдихалилов—таянч докторант

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада турли рангбаранглик ва йирикликдаги қорақўл қўзиларида рангнинг ўтиш кескинлигининг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар ёритилган.

Калим сўзлар: қорақўл қўйлари, қўзилари, сур ранги, рангбаранглик, рангнинг ўтиш кескинлиги, қўзилар ўлчами.

Annotation. The article presents data from a study of the color contrast properties of Karakul lambs of suras of various colors and sizes.

Keywords: karakul sheep, lambs, sur coloring, coloring, color contrast, size of lambs.

Кириш. Сур рангли қорақўлчиликда селекцион белгиларнинг ривожланиши ва уларнинг намоён бўлиши қорақўл териларининг қимматини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ранг, рангбаранглик кўрсаткичларининг етарли даражада намоён бўлиши қорақўл қўйлариининг наслий қимматини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қорақўл қўй зотининг кенг миқёсдаги генотипик ўзгарувчанлиги, уларнинг генофондини сифатий такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади [1]. Ушбу йўналишда сур қорақўл қўйларида ранг кўрсаткичларининг намоён бўлиши ва кореляцион боғлиқликлари бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган [2].

Ранг хусусиятларининг шаклланишига маълум даражада таъсир этувчи омиллар қаторига қўзилар туғилгандаги йириклигини киритиш мумкин. Шу жиҳатдан рангбаранглик ва рангнинг ўтиш кескинлигининг намоён бўлишида ҳамда селекция самарадорлигини оширишда қўзилар жуссасининг йириклиги муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади. Турли рангбаранглик ва йирикликдаги қорақўл қўзиларида рангнинг ўтиш кескинлиги кўрсаткичларининг намоён бўлишини ўрганиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар Навоий вилояти Конимех тумани “Янгиказган нури диёр” МЧЖ да урчитилувчи тоза зотли сур рангли қорақўл қўйларида олиб борилди.

Тажрибадаги қўзилар туғилгандаги тирик вазни бўйича майда (3,5 кг гача), ўрта (3,5-4,5 кг) ва катта (4,5 кг дан юқори) гуруҳларга ажратилиб, рангбарангликлар (кумушсимон, тилласимон, олмос) кесимида рангнинг ўтиш кескинлиги ўрганилди. Қорақўл қўзилари рангбаранглиги, рангнинг жун толаси бўйлаб тўқ асосидан пигментсиз учки қисмига ўтиш кескинлиги органолептик усулда аниқланди. Қўзиларда селекцион белгиларни баҳолаш “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма” га [4] биноан амалга оширилди. Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида математик ишлов берилди [3].

Тадқиқот натижалари. Сур рангли қўзилар жун-толаси бўйлаб рангнинг ўтиш кескинлиги чегаралари қанчалик аниқ бўлса, яъни тўқ асос қисмидан учки оч қисмига рангнинг ўтиши кучли намоён бўлса бундай терилар юқори наслий ва товар қимматга эга бўлади. Кучсиз ўтиш кескинлигида жун-толаси бўйлаб тўқ асосдан учки оч қисмига ўтиш чегараси билинмайди. Наслчилик ишларида сур рангнинг кучли ўтиш кескинлиги

мақсадга мувофиқ ҳисобланади, кучсиз ўтиш кескинлигидаги қўзилар бошқа сифатлари юқори бўлишига қарамасдан насл учун ўстиришга қолдирилмайди.

1-жадвал

Турли йирикликдаги қўзиларда рангнинг ўтиш кескинлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Рангнинг ўтиш кескинлиги	Қўзилар ўлчами		
	Катта (n=190)	Ўрта(n=81)	Майда(n=64)
Кумушсимон (n=247)			
кучли	60,7 $\pm$ 3,10	57,4 $\pm$ 3,14	51,2 $\pm$ 3,18
ўрта	26,9 $\pm$ 2,82	22,9 $\pm$ 2,67	21,9 $\pm$ 2,63
кучсиз	12,4 $\pm$ 2,09	19,6 $\pm$ 2,52	26,8 $\pm$ 2,81
Тилласимон(n=29)			
кучли	28,6 $\pm$ 8,39	28,6 $\pm$ 8,39	25,0 $\pm$ 8,04
ўрта	57,1 $\pm$ 9,19	57,1 $\pm$ 9,19	62,5 $\pm$ 8,98
кучсиз	14,3 $\pm$ 6,50	14,3 $\pm$ 6,50	12,5 $\pm$ 6,14
Олмос (n=33)			
кучли	81,8 $\pm$ 6,71	80,0 $\pm$ 6,96	83,3 $\pm$ 6,49
ўрта	13,6 $\pm$ 5,96	20,0 $\pm$ 6,96	16,7 $\pm$ 6,49
кучсиз	4,6 $\pm$ 3,64	-	-

Тадқиқотларни олиб бориш давомида қорақўл қўзилар жуссаси йириклигининг рангбарангликлар кесимида муҳим ранг кўрсаткичлардан ҳисобланган рангнинг ўтиш кескинлигини намоён бўлишига таъсири ўрганилди. Қайд этилган натижалар 1-жадвалда умумлаштирилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатадики, авлодларда рангнинг ўтиш кескинлигининг намоён бўлиши маълум ва сезиларли даражада уларнинг рангбаранглиги ва жуссасининг ўлчамига боғлиқ. Катта ўлчамли қўзиларда кучли ранг ўтиш кескинлиги кумушсимон рангбаранглигида 60,7 $\pm$ 3,10 фоиз, олмос рангбаранглигида 81,8 $\pm$ 6,71 фоизни ташкил этган бўлса, тилласимон рангбаранглигида ушбу кўрсаткич паст (28,6 $\pm$ 8,39) бўлиб, бу ҳолат тилласимон рангбаранглигининг қолган икки рангбарангликка нисбатан тўқроқ бўлиши билан изоҳланади. Катта ўлчамли қўзиларда рангнинг ўтиш кескинлиги кучлироқ даражада намоён бўлиши қайд этилди, мазкур белгининг энг кам кўрсаткичлари эса ўрта ва майда ўлчамли қўзиларда кузатилди.

Хулоса. Сур қорақўл қўзилар турли рангбарангликлари ва жуссасининг йириклиги улар рангининг ўтиш кескинлиги хусусиятларининг намоён бўлиш даражаларига маълум даражада таъсир кўрсатиб, бунда катта жуссали олмос ва кумушсимон рангбарангликдаги қўзиларнинг ранги ўтиш кескинлиги кўрсаткичларининг юқори даражада намоён бўлиши билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

4. Газиев А. и др. ИЗМЕНЧИВОСТЬ ГЕНЕТИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ В РАЗНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ЗОНАХ //Сельскохозяйственный журнал ISSN (Print): 2687-1246, ISSN (Online): 2687-1254. – 2022. – Т. 15. – №. 3.

5. Газиев А., Фазилов У. Т., Маматов Б. ПРОЯВЛЕНИЕ ЦЕННЫХ СМУШКОВЫХ ПРИЗНАКОВ ЯГНЯТ ОКРАСКИ СУР В ЗОНЕ ПЕСЧАНОЙ ПУСТЫНИ //Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства. – 2017. – С. 1434-1437.

6. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. «Колос», 1969, с. 10-14; 54-113.

7. Юсупов С.Ю., Газиев А., Бобокулов Н.А., Юлдашов Н., Фазилов У.Т., Ҳакимов Ў.Н. ва бошқалар. Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма. Тошкент.: 2015. 31 б.

УДК: 636.32/38.032.082.11

ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ НЕКОТОРЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РАСЦВЕТКОВ И ЗАВИТКОВ У ЯГНЯТ КАРАКАЛПАКСКОГО СУРА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ВАРИАНТОВ ПОДБОРА

А.А.Уримбетов-докторант, д.с.х.н. (PhD),

А.Газиев-д.с.х.н., СНС

НИИ каракулеводства и экологии пустынь

***Аннотация:** В статье освещены материалы исследований в направлении изучения особенностей проявления у ягнят некоторых показателей расцветков и завитков в зависимости от разных вариантов подбора родителей по расцветкам. Установлены сходства и различия в проявлении изученных показателей.*

***Ключевые слова:** Каракульские овцы, ягнята, окраска, расцветка, наследственный фактор, отбор, подбор, разведение, наследование, устойчивость, вариабельность.*

***Abstract:** The article highlights research materials in the direction of studying the characteristics of the manifestation of certain indicators of colors and curls in lambs, depending on different options for selecting parents according to colors. Similarities and differences in the manifestation of the studied indicators have been established.*

***Key words:** Karakul sheep, lambs, coloring, coloring, hereditary factor, selection, selection, breeding, inheritance, stability, variability.*

Актуальность. Каракалпакский сур является одним из ценнейших генотипов каракульской породы овец. В структуре овец данной окраски существуют такие оригинальные расцветки, как пламя свечи (шамчирок), стальная (пулаты), цветок абрикоса (урук-гуль), закат солнца (камар) и другие, которые благодаря благородности и красоты пользуются повышенным спросом на внутреннем и внешнем рынках [5].

Расцветки данной окраски наследуются по сложному механизму и установить определённую устойчивость слишком трудно. По этой причине при разведении этих овец и ведении отбора и подбора наблюдается большая вариабельность в проявлении этих расцветок.

В проведённых исследованиях А.С.Ахметшиева (1989) при гомогенном подборе овец наблюдалось следующее распределение ягнят родительской расцветки: «стальная х стальная» - $83,6 \pm 3,3\%$; «пламя свечи х пламя свечи» - $89,3 \pm 2,5\%$; «цветок абрикоса х цветок абрикоса» - $78,7 \pm 4,0\%$ [1].

Такие же подборы гомогенного характера, проведённые Р. У. Турганбаевым (2017) дали несколько иные результаты. В этом случае при гомогенном подборе овец расцветки пламя свечи в потомстве выход ягнят родительской расцветки составил 71,6%. Эти показатели в потомстве родителей цветок абрикоса были на уровне 68,5%, пулаты - 71,5%, камар - 65,9% [3].

Похожие результаты с данными Р.У.Турганбаева можно наблюдать в исследованиях А.Х.Хатамова (2019) и других исследователей [4, 6].

В связи с вышеизложенным, проведение исследований по изучению наследования расцветок каракульских овец каракалпакского сура остаётся актуальным и востребованным.